комплаенс-назорат хизмати
бошлиғи.**



JINOYATGA JAZO MUQARRAR

БМТ МАЪЛУМОТИГА КЎРА, ДУНЁДА 27 МИЛЛИОНДАН ОРТИК ОДАМ ГИЁХВАНДЛИК ДАРДИГА ЙЎЛИҚАН. УЛАРНИНГ АСОСИЙ КИСМИНИ ЗО ЬШГАЧА БЎЛГАНЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ. ГИЁХВАНДЛИК ТУФАЙЛИ ҲАР ЙИЛИ 200 МИНГДАН ОРТИК КИШИ ҲАЁТДАН КЎЗ ЮМАЁТГАНИ, ЖАҲОНДА СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ ЯРМИДАН КЎПИ ГИЁХВАНДЛАР ХИССАСИГА ТЎФРИ КЕЛАЁТГАНИ ЧИНДАН ҲАМ ХАВОТИРЛИ.

ПУШАЙМОНЛИК МАНЗИЛИ

Афсуски, “жиноятлар дояси”, дея таъриф этиладиган бу иллатга бош сукайтганлар юртимизда ҳам топилади. Айни шунинг учун темир панжара ортига тушаётганларнинг қарийб барчаси гиёхвандлик оғир жиноят эканини била туриб, жирканч ишга кўл ургани янада ачинарлидир.

2023 йилнинг 30 апрелида кундузи соат 13:00 атрофида пойтахтимизда Яккасарой туман ИИО ФМБ жиноят қидириув ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир жараёнида Елена В. исмли аёлнинг хатти-ҳаракатлари шубҳали кўринади. Гумондор ички ишлар бўлими идорасига олиб келиниб, холислар иштирокида кўздан кечирилганида чўнгатигидан 20 дона, оғирлиги 6,08 грамм бўлган гашиш моддаси топилади.

Иш судга оширилиб, адолатли тарзда кўриб чиқилди. - Бир куни ижтимоий тармоқда гиёхвандлик маддасини оғирли-бердиси билан шуғулланса, минг АҚШ доллари миқдорида даромад олиш мумкинлиги ҳақидаги хабарни ўқиб қолдим. Кейин ана шундай хабарлар орқали белгиланган манзилга ташлаб кетилган гиёхвандлик маддасини олиб, мижозларга сота бошладим. Рости, пул топиш ҳақида ўйлабман-у, аммо бу йўлнинг охири пушаймонлик бўлишини асло ўйламбаман, - дейди аёл суд залида.

Суд Елена В.га жазо тайинлашда оилавий шароитини, айбига тўлиқ иқрорлигини ва бошқа жиҳатларни этиборга олди. Судланувчи ўн йил муддатга озодлиқдан маҳрум қилинди.

**Баҳодир ҚАЮМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман
судининг судьси.**



Ёзги таътил мавсуми нафақат мактаб ёшидаги болаларимиз, балки биз, катталар ҳам интиқлик билан кутадиган палла. Ўқиш давридаги чарчоқлар, стресслардан енгил тортиб, ҳордиқ чиқариш учун қулай фурсат. Лекин ёзги таътил бошланиши билан отаоналар олдида яна бир муҳим масала пайдо бўлади. Бу уч ой давом этадиган таътилда боланинг бўш вақтини мақсадли ташкил этиш билан боғлиқдир.



Эъзоза УМРЗОКОВА олган сурʼат.

ОРОМГОҲЛАРГА БОРМАЙДИГАН БОЛАЛАР

ТАЪТИЛ ТОТЛИ ЎТЯПТИМИ?

Оромгоҳлар бор-ку!? Сўлим табиат бағридаги, болаларга унтутилмас, қувноқ таассурутлар улашувчи стационар оромгоҳлар, мактаблар қошида эса турли қизиқарли машгулотлар, маданий-маърифий тадбирларни қамраб оладиган кундузги оромгоҳлар таътили мароқли ва мазмунли ўтказиша хизмат қиласди-ку, дерсиз. Инкор этмаймиз, республикализинг ҳар бир худудида ёзги оромгоҳлар бор ва улар таътил бошланиши билан ўз эшикларини болаларга очади.

Рақамларга эътибор қилинг. 2023 йилнинг ёз мавсумида мамлакатимиздан болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиклаш, таътил даврида уларнинг ижодий салоҳиятни ривожлантириш мақсадида жами 196 та стационар болалар согломлаштириш оромгоҳи фаолияти йўлга кўйилиб, уларда 158 минг нафар ўғил-қиз ҳордик чиқарган.

Жорий йил мавсумида эса 192 та оромгоҳда 157 минг 960 нафар бола дам олиши режалаштирилган. Бундан ташқари, 1 минг 105 та кундузги оромгоҳга 74 минг 200 нафардан зиёд болаларни жалб қилиш кўзда тутиляти.

МУАММО НИМАДА?

Юртимизда 7-14 ёшли болалар сони 4 миллион 668 минг 779 нафарни ташкил қиласди. Масала ҳам айнан шу ерда юзага қалқиб чиқмоқда. Оромгоҳларга йўналтириладиган болалар ўқувчилар умумий сонининг 10 фоизига ҳам етмайди. Оромгоҳларга бормайдиган болалар учун ёзги таътил кандай мазмун-ахамият касб этади?

Ҳақиқат шуки, ўтган йиллар давомида мамлакатимиздан болалар согломлаштириш оромгоҳлари сони ахолининг ўсиш динамикасига мутаносиб тарзда ошиб бориши таъминланмаган. Жумладан, болалар сони 1991 йилга нисбатан 71 фоизга кўйлаган бўлса-да, уларни согломлаштириш оромгоҳлари сони иккى бараварга қисқарган.

ЎҚИШДАН ЗЕРИҚДИМ, ЛЕКИН БОШҚА НИМА ҚИЛАМАН?!

Кишлоқ жойлардан фарқли ўлароқ шаҳар шароитида оромгоҳга бормаган болаларнинг уч ойлик таътилини спорт мактаблари ёки репетиторларга, ўқув курсларига, касб-хунар ўргатиш марказларига қатнаб ўтказиши урбанизациялашган мухитга хос анъаналардан бирига айланди. Бола бекор қолмасин, деган вакт билан унинг жисмоний ва ақлий салоҳиятни ривожлантиришдек яхши ниятда таътил пайти асосан ўқишига ёки спортга йўналтирамиз. Сармояни аямаймиз. Бундай ёндашув қанчалар тўғри ва самарали! Асосийси, фарзандимиз хоших-истагига, манфатларига ўйнуми?

- Мактабдаги ўқиш пайтида ҳафтасига уч марта математика бўйича репетиторга катнардим, - дейди тошкентлик 12 ёшли Фатхулла. - Таътил бошланиши билан инглиз тили бўйича ҳам ўқув марказига боряман. уч кун математика, уч кун инглиз тилидан дарс оламан. Кеинин икки кунда бир сузишга бораман. Хуллас, фақат якшашба куни хақиқий дам менга!

Ёш сұхбатдошимизнинг ўтган йилларда ёзги таътилни оромгоҳда ўтказган- ўтказмагани билан қизикамиз.

- Йўқ, оромгоҳга бормаганман, - дейди у рўйи-рост. - Ёзда оиласлив тоқча чиқиб дам олиб келамиз 2-3 кун. Лекин ҳали шу пайтагча оромгоҳда дам олмаганман. Бончадалик пайтимда ёз пайтлари қишлоқдаги бувимниги юбориб туришарди. Ҳозир эса таътилни

бекор ўтказмай, ўқишим керак экан. Болакай яна нимадир демоқчи бўладио журъати етмай жим қолади. "Ўқиқвериб зेरикиб кетмадингми ишиклиб?" деймиз ҳазил аралаш. Бола-боба-да, ҳазилни жиддий қиласди.

- Дадам, ойим ишда, укаларим боғчада. Ўйда ёлғиз қолгандан кўра, ўқув марказига келиши яхшино аммо ҳадеб ўқиқвериши... Ростини айтсанам, баъзан зериккан пайтларим бўлади, лекин бошқа нима ҳам киламан?..

Ёзги таътил боланинг зиёнига бўлмаслиги керак. Психологлар катталардаги каби болаларда ҳам доимий иш фаолиятни ўзgartирмаслик руҳий зўриқишига олиб келишини, йий бўйи ўқигандан кўра, таътил пайтлари росмана ҳордик чиқариб, кейин яна ўқишин давом эттириш нафақат жисмоний саломатлиқка, балки билимни ўзлаштириш даражасига ҳам фойдали эканини таъкидлайдилар.

"Таътил оиласидаги ўзаро ака-ука, опа-сингили муносабатларини мустаҳкамлаш учун ҳам керак. Чунки доимий мактаб пайтида болаларнинг бирга вакт ўтказиша имконияти кам бўлади. Шунинг учун ҳам таътил оиласий яқинлик учун энг мақбул пайт", деган фикр илгари суръатиди.

- Ёзги таътилда ўқув марказимизга қатнайдиган болалар қамрови уч-тўрт баробарга ортади, - дейди Тошкент шаҳридаги "Mumtaz academy" ўқитувчиси Аббос Рахмонов. - Бир томондан, шаҳар шароитида ота-онаси ишда бўлган болаларнинг таътил

бунинг акси - пешқадам бўлиш, олийгоҳга кириш ва ҳоказо сабаблар борки, барин ахийри болаларимиз гарданига тушади. Ҳатто ёзги таътилда ҳам улар ўқишида давом этмоғи тўғри, бизнингча.

КИШЛОҚ БОЛАЛАРИ

Бу йил 9-синфни тамомлаган Акбар Сирдаре вилоятини Мирзаобод туманида яшайди. Унинг айтишича, ёзги таътил бошланиши билан далада иш қайнайди.

- Дадам курилишда ишлайди, онам фермер хўжаликларида кунбай ишлаб пул топади, пахта чопифи, қовун чопифи дегандайди... Мен онамга ёрдамлашаман, - дейди Акбар.


- Мол-қўйларимиз бор, 7-синфда ўқийдиган укам уларга қарайди. Томорқамизда ҳам экин-тиқин киламиз. Ёз биз учун энг иш кўйлаган пайт бўлади. Бонча қашшига ҳам вакт қолмайди.

Акбардан шу пайтга қадар ёзги оромгоҳда бўлган-бўлмаганини сўраймиз.

- Лагерми? Йўқ, ҳечам бормаганман. Бизнинг қишлоқдан ҳеч ким лагерга бормаган.

Қатъий ишонч билан сўзлаётган бу боланинг кўни ўтида Қорайян юзида самимият уфориб туради. Мактабларда таътил пайтида ўқувчилар учун кундузги оромгоҳлар ҳам ташкил килиниши, тўғраклар очилиши ҳакида сўрарканмиз, у яна қатъиян бош силкайди.

- Йўқ, бизнинг мактабда юқори синф



пайтида уйда бўш қолгандан кўра, ўқишида, илим олишда, ўз устида ишлашда давом этганини яхши. Чунки бугунги глобал жадаллашув замонидаги ўқиб-ўрганишда бир кунни ҳам беҳуда ўтказмаслиқ керак. Бироқ, бошқа томондан қараганда, айниқса, кичикроқ ёшдаги болалар (8-12 ёшиларда) дайни таътил мавсумида чарчоқни, иштиёқсизликни кузатаман. Мана бундай жазира мақнада эса ўқув марказига келиб-кетиш ҳам бу болалар учун осон эмас.

Ривожланган давлатларда, хусусан, Германияда репетиторларга, ўқув марказларига одатда мактаб дарсларини ўзлаштира олмайдиган, синфдан-синфга қолган ёки кейинги боскичга ўтиши хавф остида бўлган ўқувчилар боришиди. Агар ўзлаштириши паст ўқувчининг оиласив иктиносидой холати кўшимча ўқиши учун тўловга қодир бўлмаса, унда бу пул давлат томонидан тўлаб берилади. Бошқача айтганда, боланинг мактабдан сунг кўшимча таълимга жалб қилиниши унинг билим-салоҳиятда тенгдошларига етиб олиши учун бир дастак, холос. Бизда

ўқувчилари имтиҳонлари тугагач, ёз пайти то августанча коровулдан бошқа ҳеч ким бўлмайди. Чунки ўқитувчилар ҳам таътилда бўлади. Үнақа кундузги оромгоҳ деган нарсани эшитмаганимиз, кўрмаганимиз, - дейди соддалик билан.

Келгусида Акбар пойтахтга боришини, олийгоҳга ўқишига киришни орзу килишини, сентябрда ўқиши бошлансан, мактабдан кейин туман марказидаги ўқув марказига қатнани режалаштираётганини айтади. Бадийи адабиётга қизиқишини сўраганимизда эса "Китоб ўқишига вакт йўқ-да. Боя айтдим-ку, қишлоқда иш кўп бўлади. Бугун ҳам тогамникида ҳашар, иморат кўттаряпти. Бориб карашай..." деба велосипедига ўтирганча биздан узоклашади.

ШВЕЙЦАРИЯДА

Мавзуга доир маълумотларни тўплаш асносида етакчи хорижий давлатлар тажрибаси билан ҳам қизиқидик. Масалан, Швейцарияда 26 та кантон (маъмурӣ худудлари)

да ўртача икки ой давом этадиган ёзги таътил саналари турличадир. Ҳатто давлат ва хусусий мактаблар ўртасида ҳам таътил жадваллари ўзаро фарқ қилиши мумкин, лекин болаларни оромгоҳларга қамраб олишида мақсад ва ёндашув бир хил.

Яни, кантон маъмурлари ва турли маҳаллий жамиятлар болалар учун оромгоҳ ташкил қилишда минимал ҳаражатларга таянган ҳолда ота-оналар учун иктиносидой фойдали вариантиларни тақлиф қиласидар. Боласи (ёки болалари) роса икки ҳафта давомида табиати бағридаги оромгоҳларда миришиб, чиникиб дам олиши учун маблағ ажратиш бу давлатдаги ҳеч бир оила хўжалиги бюджетига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

ЎЗИМИЗДА

Одатда ёз мавсумида қаҷон ва қайси оромгоҳга бориш ота-онанинг ва боланинг шахсий танловини ҳисобланади. Белгиланган тартиботга кўра, ота ёки она фаолият юритаётган ташкил касаба узошмаси бўлими томонидан бериладиган йўлланма орқали болани оромгоҳга юбориш мумкин. Агар ота ёки она ишлайдиган ташкил касаба узошмаси бўлмишга мурожат қилиб, йўлланманни тўлиқ нарҳда сотиб олиш тақозо-этилади. Айтгандай, ҳозирги кунда ёзги оромгоҳларнинг электрон саҳифалари ҳам мавжуд бўлиб, Интернет орқали бу саҳифаларга кириб, онлайн шаклда йўлланма харид килиш мумкин.

2024 йил ёзги таътил учун oromgohlar.uz сайтида юртимиздаги анчайин машҳур болалар оромгоҳларининг нарх-навоси билан танишганимизда, бир мавсум (10-12 кунлик муддат) йўлланмаси 1 млн. 400 минг сўмдан бошланниб, 3 млн. 200 минг сўмгача бахоланганини кўрдик. Бир қарашда бу сумма унчалар кимматмасдек. Аммо ўртаҳол ва серфарзанд оила учун арzonlik ҳам қилмайди. Айниқса, қишлоқ жойларда.

Шунингдек, ушбу оромгоҳларда ҳар йили юзлаб ижтимоий химоз талаб, кам таъминланган оиласлар фарзандлари, Мехрибонлик ўйлари, Оиласий болалар ўйлари тарбияланувчиларини имтиёзли согломлаштириш хукуматнинг доимий ўтиборида эканини ҳам инкор этмаймиз.

Хулас, ёзги оромгоҳларда болаларнинг мадом олиши аксар ҳолларда ота-оналарнинг шахсий ташаббуси ҳамда маддий имкониятига кўра амалга ошмоқда. Ёзги оромгоҳлардаги замонавий шарт-шароитлар, малакали педагогларнинг жалб қилиниши, овқатланиши, санитария-хавфзислиқ масалалари, маданий-кўнгилочар, тарбиявий машгулотлар савияси – бу энди бошқа мавзу.

Шу йил 29 май куни қабул қилинган "Болалар согломлаштириш оромгоҳларида" дам оладиган болалар қамровини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент карорида стационар оромгоҳлар фаолиятни янги босқичга олиб чиши, тизимдаги муммалорни ечиш юзасидан мухим вазифалар белгилаб берилади.

Бу вазифаларнинг амалий исботини топиши болаларнинг ёзги дам олиши мавсуми ни самарали ташкил этишига хизмат қиласди. Мақсад шуки, келажагимиз – болалар манфаати ҳамма вакт қадрли бўлиб қолмоғи керак.

Фарида МАЖКАМОВА.

JAMOAT NAZORATI

2024 ЙИЛ 5 ИЮНДА
«МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ
ТЎГРИСИДА» ГИ ҚОНУН
ИМЗОЛАНДИ. МАЗКУР ҲУЖЖАТ
ҶАБУЛ ҚИЛИНГАН КУНДАН
ОЛТИ ОЙ ЎТГАЧ КУЧГА КИРАДИ.
МАМЛАКАТИМИЗДА МУХИМ
ВОҚЕЛИК БЎЛГАН ҚОНУН
МАЗМУН-МОХИЯТИ ВА ИЖРОСИ
БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАРГА
КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК АЛОҲИДА
ЭТТИБОР ҚАРАТМОҚДА.

Адлия вазирлиги Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда қонуннинг мазмун-мохияти, янгиликлари ва аҳамиятини тушунишига багишланган матбуот анхумани ўтказди. Унда Адлия вазири ўринbosари ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори иштирок этиб, қонун манфаатлар тўқнашувига барҳам бериш борасида мухим хукуқий асос бўлганини алоҳида таъкидлади.

Қонунда мухим меъёлар белгиланган. Хусусан, манфаатдорликка йўл қўймаслик, манфаатлар тўқнашуви тўгрисида хабар бериш, шахсий манфаатларини кўзлаб бошқаларни ҳаракат (ҳаракатсизликка) мажбурла-маслик бўйича ходимларнинг хукуқ ва мажбуриятлари назарада тутилган. Манфаатлар тўқнашуви тўгрисидаги аҳборотни ходимлар томонидан ошкор этиши ички шаклда, яъни мавжуд манфаатлар тўқнашуви тўгрисидаги хабарнома бериси ва эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўгрисидаги декларация тўлдириш орқали амалга оширилади.

Шунингдек, ходимга алоқадор шахслар давлат органи ёки бошқа ташкилот билан муносабатларга киришганда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш бўйича декларация тўлдириш мажбуриятлари белгиланди. Шу билан бирга, манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни давлат томонидан тартибига солища Коррупцияга қарши курашиш агентлиги маҳсус ваколатли давлат органи сифатидаги белгиланган.

Ўз навбатида, давлат ташкилотлари, уларнинг одоб-ахлоқ комиссиялари, коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари ва кадрлар билан ишлаш бўлинмалари манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни тартибига солища ички назорат вазифаларини амалга оширади.

– Манфаатлар тўқнашуви аслида кўзга кўринмайдиган, бироқ энг хавфли иллат хисобланади, – деди Адлия вазири ўринbosари Алишер Каримов. – Бунга қарши кескин курашилса, яъни манфаатлар тўқнашувига чек қўйилса, коррупция барҳам топади. Манфаатлар тўқнашувига барҳам бериш учун давлат ва давлатга алоқадор идора ва ташкилотларда ўрганиш ишлари олиб борилади. Тахминларга кўра, 20 мингта яқин идора ва ташкилотдаги фаолият кўриб чиқилади.

Бу йўналишдаги ишларни тўғри ташкил этиш, аниқ самарадорликка эришиш учун Боз вазир бошчилигида комиссия тузилган. Бу жараёнда нафакат тегишли соҳа мутахассислари, балки идора ва ташкилотлар ходими, жамоатчилик ёрдамига ҳам таянилади.

Давлат органлари ва ташкилотларида манфаатлар тўқнашувини ҳисобга олиш реестри юритилади. Унга ҳабар берилган,



МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ЭНДИ КЎРИНАДИ

» Ўз навбатида,
давлат ташкилотлари,
уларнинг одоб-
ахлоқ комиссиялари,
коррупцияга қарши
ички назорат
тузилмалари ва
кадрлар билан
ишлаш бўлинмалари
манфаатлар
тўқнашуви
билан боғлиқ
муносабатларни
тартибига солища
ички назорат
вазифаларини амалга
oshiради.

аниқланган ҳамда тартибига солинган манфаатлар тўқнашуви тўгрисидаги маълумотлар киритиб борилади. Манфаатлар тўқнашуви тўгрисида хабар бермаганинг учун базавий хисоблаш миқдори (БХМ)нинг уч бараваридан беш бараваридан беш бараваридан таракоран содир этиладиган бўлса, БХМнинг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима кўлланилишига сабаб бўлади. Шунингдек, мансабдор шахслар томонидан мавжуд ёки эҳтимолий манфаатлар тўқнашувини тартибига солиши юзасидан чоралар кўрмаганинг учун БХМнинг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима кўлланилишига сабаб бўлади. Бунда маъмурӣ байёномга расмийлаштириш билан боғлиқ вазифалар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан амалга оширилади.

– Коррупция ва манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда тузилган битимлар суд тартибида ҳақиқий эмас, деб топилади, – деди Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал Бурхонов. – Битим

бўйича олинган фойда эса давлат даромадига ўтказилади. Айтиб ўтиш керакки, 2022-2023 йилларда давлат харидлари бўйича тузилган 4,5 мингта (573 миллиард сўмлик) шартномаларда манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган. Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматлари томонидан тизимдаги ташкилотларда 141 миллиард сўмлик 2 минг 720 шартнома ҳақиқатда манфаатлар тўқнашуви мавжуд ҳолатда тузилган. 9 шартнома 3 миллиард сўмга киммат нархда имзоланган. 1,5 минг нафарга яқин ҳокимлар, уларнинг ўринbosарлари ва ҳоким ёрдамчилари тадбиркорлик субъектларининг бошқарув органларида иштирок этгаётгани аниқланган.

Эндиликда қонунга мувофиқ, "E-anticor.uz" платформасида манфаатлар тўқнашувини аниқлаш ва онлайн мониторинг қилиш имконини берувчи электрон модуль ишга тушシリлади.

Манфаатлар тўқнашуви юзасидан зарур ўқитиш ва тушуниши ишлари амалга оширилади. Жумладан, манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари, уларни бартараф этиш бўйича услугубий кўлланма ишлаб чиқилади. Шунингдек, рўйхатдаги давлат органлари ва ташкилотлари ходимлари ўртасида манфаатлар тўқнашуви бўйича билим ва кўникмаларни


баҳолаш учун онлайн тест синовлари ўтказилади.

Матбуот анжуманида журналистлар, жамоатчилик фаоллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.




TABRIK



Biznesni
Rivojlantirish
Banki

QURBON HAYITI

muborak bo'lsin!



www.brb.uz

1254



4 МИНГ ЙИЛЛИК ҚАБРЛАР ВА 2 МИНГ ЙИЛЛИК ТАРИХГА ЭГА ШАҲАР

Сурхон воҳасида ўтиши минг йилликдан сўзлайдиган манзиллар бисёр. Бу гўшада кўплаб осори-атикларни, муқаддас қадамжолар, табаррук масканлар ва ноёб ёдгорликларни учратиш мумкин. Айни шу жихат маҳаллий археологлар билан бир каторда Россия, Япония, Хитой, Корея, Франция каби катор хорижий мамлакатлар олимларини хам қизиқтириб келмокда.

Самарқанд археология институти ва Хитойнинг Шимоли-ғарбий университети ўртасидаги ҳамкорлик натижасида "Ўзбекистон - Хитой" кўшма экспедицияси йўлга кўйилган бўлиб, бугунги кунда экспедиция аъзолари Узун туманидаги "Чинортепа" ёдгорлигига қазилма ишларини олиб бормоқда.

Экспедиция давомида 4 минг йиллик қабрлар ҳамда 2 минг йиллик тарихга эга шаҳар колдиқларига дуч келинди. Антиқа сопол идишлар, киши ҳайратини оширувчи курол-аслаҳалар, ноёб кўрнишига эга тақинчолар ҳамда турли ҳайкалчалар қазиб олинди.

- Мазкур ёдгорлик 2019 йилда аниқланган, - дейди Самарқанд археология институти илмий ходими Комилжон Арзиев. - Бу йил шахристоннинг шимолий ва жануби-ғарбий қисмida жойлашган 30 га яқин қабрлар ўрганилди. Археологлар топилмалар учта қатлам – ўрта асрлар, антик ва бронза даврига тўғри келмокда. Бу эса милоддан аввали II-милодий III асрларига оид Қанг, Кушон ва Юэжи (массагетлар) даврига

тегишли эканидан далолат беради. Ноёб ва бетакор ашёлар Марказий Осиёда ягона хисобланган Термиз археология музейига топширилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг 3 июнь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда туризм инфратузилмасини яхшилаш ва хорижий туристлар оқимини кўпайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси бўйича видеоселектор йигилиши ўтказилди. Унда мамлакатимиздаги тарихий, маданий ва ҳуашманзара гўшаларда мавжуд туризм салоҳиятидан унумли фойдаланиш вазифалари белгилаб берилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.



REKLAMA O'RNI DA

"Агробанк" АТБ: БИТТА КАРТОШКАДАН 20 ГЕКТАРГА ЕТАДИГАН УРУГЛИК ТАЙЁРЛАНМОҚДА



**ЕР ЎЗИДАГИ КЕСКИН ИҚЛИМ
ЎЗГАРИШИ, ТАБИЙИ ОФАТЛАР,
СУВ ТАНҚИСЛИГИ, ҚУРҒОҚЧИЛИК
КАБИ ГЛОБАЛ МУАММОЛАР ДУНЁ
МИҚЁСИДА ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ
МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШДА
ҚАТОР МУРАККАБЛИКЛАРНИ
КЕЛТИРИБ ЧИҚАРМОҚДА.
БУНДАЙ ҲОЛАТ, ТАБИЙИКИ,
ИНСОНЛАРНИНГ БИРЛАМЧИ
ЭХТИЁЖЛАРИДАН БҮЛГАН ОЗИҚ-
ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХ-
НАВОСИГА САЛЬБИ ТАСИР
КЎРСАТАДИ. ШУ НУҶТАИ
НАЗАРДАН МАМЛАКАТИМИЗДА
ҲАМ ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИДА
ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ ВА
ОЗИҚ-ОВҚАТ ҲАВФСИЗЛИГИНИ
ТАҲМИНЛАШ ДОЛЗАРБ
ВАЗИФАЛАРДАН БИРИ
ҲИСОБЛАНАДИ. ЎЗ НАВБАТИДА,
БУ ЙЎНАЛИШДА "АГРОБАНК"
АТБ ТОМОНИДАН ҚАТОР ЙИРИК
ЛОЙИХАЛАР ИШЛАВ ЧИҚИЛИB,
ИЗЧИЛ ҲАЁТГАН ТАТИБИҚ
ЭТИЛАЁТГАНИ ЭЪТИРОФГА
МОЛИКДИР.**

Хусусан, қишлоқ ҳўжалигига серхосил ва экспортбөл мева кўчатларини етишириш, манзарали дарахт ва гуллар импортини камайтириш максадида банк томонидан сўнгига технологиялар асосида жиҳозланган "Agro In Vitro" комплекси лойиҳаси фойдаланишига топширилди.

Лойиҳа тақдимоти Жиззах вилояти Галларорол туманидаги "Agro In Vitro" комплексида бўлиб ўтди. Очилиш маросимида соҳанинг маҳаллий ва халқаро миқёсдаги малакали мутахassisлари, дехқон ва фермерлар, оммавий аҳборот воситалари ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ҳосилдорлиги юқори, экспортбөл, замонавий селекция ва генетика технологиялари асосида кўчатлар етишириш, шу орқали юртимизда мева-сабзавотларнинг янги, серхосил навларини кўпайтириша қаратилган лойиҳанинг умумий қўймати 20 миллион АКШ долларини ташкил килади. У 20,4 гектар майдонда намунавий кўчатлар етиширишга мўлжалланган лаборатория комплексини ҳам ўз ичига олади.

Этиబорли жиҳати, қишлоқ ҳўжалигига етакчи бўлган Нидерландия тажрибаси асосида барпо этилган ушбу лаборатория ва

иссиқхона дунёда бармоқ билан санаарли, камёблиги билан ажralib туради. Лойиҳа кўчатчиликнинг тўлиқ циклини қамраб олади ва йилiga 10 миллион дондан ортиқ кўчат етишириш имконини беради. Унинг шарофати билан шу пайтагча импорт қилинган мева-ли, манзарали кўчатлар энди тўлиқ маҳаллий мухитда ўстирилади. Бундан ташҳари, ички ва қўшни бозорларга ҳам етказиб бериш режалаштирилган.

Аслида боғдорчиликда инвирто усули турли хасталикларга чидамли, ҳар бир ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитига мос ҳамда кафолатланган ҳосилдорликни таъминлаб берадиган, илмий асосланган замонавий кўчатчилик методи саналади. У бобонгинг ишини енгиллаштириди, ташвишини камайтиради. Боғдорчиликни саноат даражасига чиқариша ёрдам беради.

Хусусан, "Agro In Vitro" лабораторияси ўз соҳасида етакчи бўлган Европа компаниялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Лаборатория кўчатларни ташкил мухитдан химоялаб, вирус ва касалликлардан тозаланган шароитда автоматлашган ва тизимланган услубда етиширишни таъминлайди. Бу услуб кўчатларни кафолатланган (сертификатланган) ва сифати бўлишига хизмат килади.

Бундан ташҳари, Нидерландия компанияси технологияси асосида автоматашланган сунъий микро-иқлим мухитини яратувчи, ойнаванд, сўнгги 5-авлод иссиқхонаси барпо қилинди. Ушбу иссиқхона технологиялари иситими ва совутиш жараёнларида 50 фоизгача энергияни тежайди.

Бугунги кунда "Agro In Vitro" комплексида беш гектар ер майдонида 40 хил навдаги 6 минг дона мева, узум ва манзарали кўчатлар

боги яратилган. Шу билан бирга иссиқхонадан кейинги босқич учун мевали, манзарали дараҳатлар ва узум кўчатларини экиш мавсумигача тайёрлаб бериси максадида 10 гектар майдонда кўчатхона ҳам ташкил қилинган. Қолаверса, дехқон ва фермерларимиз ишини янада енгиллаштириш учун лабораторияда хориждан келтирилган серхосил картотшка навлари ҳам ўстирилмоқда. Кимдир ишонади, кимдир эса йўқ, ҳақиқат шундаки, бир дона картотшакдан 20 гектар ерга етадиган уруғлик етиширилган.

Лойиҳани ишга туширишда хориждан малакали мутахассислар жалб қилинган. Шу билан бирга етакчи хорижий лабораторияда кўчатчиликнинг сўнгги технологияларини яқиндан ўрганиш максадида 10 дан ортиқ маҳаллий мутахассислар тажриба ошириб келди.

Тақдимотда "Agro In Vitro" лойиҳаси юқори технологияларга асосланган, саноат усулида кўчат ишлаб чиқариш лойиҳаси бўлиб, назаримда, МДХ ҳудудида намунавий лойиҳа хисобланади, - дейди Қозогистон миллий аграр тадқиқот университети Ўсимилкадар мутахассисларни максадида 18 йилдан ортиқ тажрибага эга мутахассис Илья Краснощёков (Gakon Netafim, Нидерландия). - Лойиҳада турли участкаларда микроиклим назоратни таъминлаш, уни тўлиқ автоматаштириши, санитария мөъёрлари, сугориш сувини фильтрлаш ва дезинфекция қилиш, мослаши зоналари ва сувни зарарсалзлантириш бўйича инновацион технологиялар жамланган. Мажмуя йилига 10 миллион тупча узум ва мевали дараҳат кўчатларини етишириш имконини беради. Ушбу натижага эришиш учун қишида қаттиқ микроиклим назорати (+28 C) ва ёзда зарур таъминланади.

- Ўзбекистонда кўчатларни замонавий лабораторияларда етиширишнинг катта имкониятлари мавжуд, - "Viscon Group" компанияси (Нидерландия) вакили Алексей Курбонаев. - Бу йўналишда беш йиллик фоалиятим давомида турли мамлакатлардаги кўплаб лабораторияларда бўлдим ва ишонч билан айтила оламанки, "Agro In Vitro" билан Ўзбекистон ҳам ишлаб чиқариш қуввати, ҳам технологик жиҳозлаш бўйича МДХ давлатлари орасида етакчига айланди. Бу лабораторияда барча иш жараённи тўлиқ илмий ечимларга асосланган билан ғоятда аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, "Агробанк" АТБ озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш максадида қишлоқ ҳўжалигига етакчиликни замонавий лабораторияларда бўлган тажрибага ишлаб чиқариш қуввати, ҳам технологик жиҳозлаш бўйича МДХ давлатлари орасида етакчига айланди. Бу лабораторияда барча иш жараённи тўлиқ илмий ечимларга асосланган билан ғоятда аҳамиятлидир.

Дарҳақиқат, "Агробанк" АТБ озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш максадида қишлоқ ҳўжалигига етакчиликни замонавий лабораторияларда бўлган тажрибага ишлаб чиқариш қуввати, ҳам технологик жиҳозлаш бўйича МДХ давлатлари орасида етакчига айланди. Бу лабораторияда барча иш жараённи тўлиқ илмий ечимларга асосланган билан ғоятда аҳамиятлидир.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.**



MUASSIS:

O'zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To'iqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўйими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasiда chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yhatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 637. 3486 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni —

Topshirilgan vaqt —

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxa

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



О'zbekiston
XALQ DEMOKRATIK
PARTİYASI
MARKAZIY KENGASHI